

Бюджетдан маблағ олувчи муассасаларни хўжалик, қурилиш моллари ва маиший

техника буюмлари билан таъминлаш ва хизмат кўрсатиш бўйича № 1 сонли

ШАРТНОМА

“28” январь 2022 йил

Бешариқ шаҳри

Икки томонлама хўжалик мунособатларини ифодаловчи мазкур шартнома ўз Низоми асосида иш юритувчи «AVTO PILUS» МСНУ (кейинги ўринларда «Етказиб берувчи» деб аталади) номидан раҳбар А.Ғуфронов биринчи томон, ва иккинчи томон Бешариқ тумани ҳокимлиги Молия бўлими ҳамда ўз Низоми асосида фаолият юритувчи раҳбари в.в.б А.Эгамназаров номидан (келгусида «Сотиб олувчи» деб аталади) ўрталарида, қуйидаги мақсадда тузилди.

1. ШАРТНОМА МОХИЯТИ

«Сотиб олувчи» қуйидаги хўжалик моллари (бундан кейинги ўринларда "маҳсулотлар" деб юритилади) ни етказиб бериш учун буюради, «Етказиб берувчи» хизмат учун мазкур маҳсулотларни етказиб бериш ишларини бажаради. Маҳсулотлар қуйидаги ассортиментда ёки нуқсон далолатномага асосан бажарилади:

№	Хизмат тури	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Қиймати
	Хизмат машинасини жорий таъмирлаш	дона	1	600000	600000
Жами					600000

Мазкур шартноманинг умумий қиймати: 600 000 (олти юз минг) сўмни ташкил қилади.

1. ХИСОБ-КИТОБ ШАРТЛАРИ

«Сотиб олувчи» маҳсулот учун олдиндан 30 % и 180 000 сўм миқдорида аванс тўловини шартнома имзолангандан сўнг «3» кун, ҳамда тўлиқ хисоб-китобни 70% и «10» кун ичида амалга оширади.

«Етказиб берувчи» маҳсулотни етказиб бергандан сўнг, хисоб-китоб-фактураларига асосан, етказиб берилган маҳсулот қиймати учун «Сотиб олувчи» пул ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади.

Маҳсулотлар учун нарх ўзаро келишилган ҳолда белгиланади. Агар Давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида етказиб берилган маҳсулотларига белгиланган нархлар юқори деб топилса, ушбу фарқ «Етказиб берувчи» зиммасидан қопланади.

Ишлаб чиқарувчилар учун маҳсулотнинг калькуляцияси ва баҳолар прејскуранта асосида нарх белгиланади.

Нарх-наволарнинг ўзгариши, энг кам ойлик иш ҳақининг кўтарилиши ёки камайиши, пулнинг кадрсизланиши оқибатида шартнома қиймати «Етказиб берувчи» томонидан қайта кўриб чиқилади ва «Сотиб олувчи» томонидан янги нархлар бўйича хисоб-китоб ишлари амалга оширилади.

2. МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

3.1. «Етказиб берувчи» мазкур шартнома қонуний кучга киргандан сўнг маҳсулотларни 3кун муддат ичида «Сотиб олувчи»нинг манзилгоҳига етказиб беради ва транспорт харажатларини ўз зиммасига олади.

3. ТОМОНЛАР ХУҚУҚИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. «Етказиб берувчи» «Сотиб олувчи»нинг вакилига, муассаса раҳбари ва бош хисобчи томонидан имзоланган, ҳамда юмалоқ муҳр босилган ишонч қоғози кўрсатгандан сўнг маҳсулот беради. «Етказиб берувчи» маҳсулот сифатини ва миқдорига тўлиқ қафолат беради.

4.2. «Сотиб олувчи» шартномада курсатилган маҳсулотни сифати, нави ва категорияси талабга жавоб берган ҳолатдагина қабул қилиб олади.

4.3. «Сотиб олувчи» қабул қилиб олган маҳсулотни шартнома талабларига номувофиқлигини аниқлаган ҳолда, етказиб берувчи»га ёзма далолатнома юборади, ҳамда сифатсиз деб топилган маҳсулотни «Етказиб берувчи»га қайтариб беради.

4.4. «Етказиб берувчи» «Сотиб олувчи»га унинг ишонч қоғозида қайд қилинган маҳсулотларни беради. Агар «Етказиб берувчи» томонидан «Сотиб олувчи»нинг ишонч қоғозида курсатилмаган маҳсулотларни, ёки маҳсулотларни ишонч қоғозида белгиланган миқдоридан ортиқ берган ҳолларда, бу маҳсулотлар учун «Сотиб олувчи» томонидан қайтариб берилади ёки бу маҳсулотлар учун ҳақ тўланмайди.

4.5. «Етказиб берувчи» томонидан «Сотиб олувчи»га сифатсиз маҳсулотлар етказиб берилса, бу маҳсулотлар- «Етказиб берувчи»га қайтариб берилади ёки бу маҳсулотлар учун ҳақ тўланмайди.

4.6. «Етказиб берувчи» етказиб берган маҳсулотларни хисоб-варақларда тўлиқ ва аниқ номини, маҳсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши, шунингдек, хисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ расмийлаштириши шарт. Тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган хисоб-варақлар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

5. МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Агар «Етказиб берувчи» томонидан «Сотиб олувчи»га сифатсиз, ёки сақлаш муддатлари ўтиб кетган маҳсулотларни етказиб берилган ҳолда «Сотиб олувчи» «Етказиб берувчи»дан бундай маҳсулотларнинг умумий қийматидан 50 % жарима қўллаб қонунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

5.2. Агар «Етказиб берувчи» томонидан «Сотиб олувчи»га белгиланган маҳсулотлар белгиланган муддатларда етказиб берилмаса, «Етказиб берувчи» муддати ўтган ҳар бир кун учун кечиктирилган маҳсулот қийматининг 0,5 % миқдорида лекин кечиктирилган маҳсулот қийматининг 50 % дан ошмаган ҳолда «Сотиб олувчи»га пеня тўлайди.

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Хужжат коди: НО07476135

5.3. Агар «Етказиб берувчи» томонидан «Сотиб олувчи»дан олинган махсулот пулини белгиланган муддатда тўлаб бермаса, муддати ўтган хар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,4 % миқдорда, лекин кечиктирилган тўловнинг 50 % ошмаган миқдорда пеня тулайди.

5.4. Жарималар тўланиши «Етказиб берувчи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

6. ФОРС – МАЖОР ХОЛАТЛАР

6.1. Шартнома тузилгандан сунг табиий офатлар (ер кимираши, сув тошқини, ёнгин, эпидемия), уруш, ҳукуматнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжати, томонларнинг хохишидан каътий назар бажара олмайдиган ҳолатлар вужудга келган тақдирда шартноманинг вазибалари бажарилмаса икки тараф ҳам жавобгар булмайди.

7. ШАРТНОМА МУДДАТИ

7.1. Шартнома «Фуқаролик кодекси»нинг 366-моддасида кўрсатилган талаблар бажарилганда ва иккала томонлар имзолангандан сўнг кучга киради.

7.2. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил « 28 »январьдан 2022 йил «31» декабргача.

7.3. Шартнома томонлар келишувига асосан, «Етказиб берувчи» томонидан етказиб берилган махсулот «Сотиб олувчи» томонидан сифатсиз деб топилганда ва «Етказиб берувчи» томонидан мазкур шартноманинг 4.1. 4.2. 4.3. - бандлари бажарилмаганда шартнома «Сотиб олувчи» томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин. Бекор қилинган тақдирда «Сотиб олувчи» «Етказиб берувчи»га ёзма равишда, асосларни келтирган ҳолда хат билан маълум қилади.

8. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

8.1. Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро хал қилинади. Агар ўзаро хал қилинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Қонунларига асосан Хўжалик судлари орқали хал қилинади.

8.2. Шартнома икки нусхада тузилиб, хар бир нусхаси «тенг юридик кучга»га эга бўлиб томонларда бир нусхадан сақланади.

8.3. Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва шартномага қўшимча битим имзоланиб ҳуқуқшунос томонидан тасдиқлангандан сўнг қонуний деб ҳисобланади.

8.4. Шартнома икки томонлама имзоланиб Ҳазначилик бўлимида рўйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний кучга киради.

9. ТОМОНЛАР ХУҚУҚИЙ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

ХИЗМАТ КўРСАТУВЧИ

СОТИБ ОЛУВЧИ

« AVTO PILUS » МСНҲ (мол етказиб берувчининг номи)	Бешарик туман ҳокимлиги Молия бўлими (бюджетдан маблағ олувчининг номи)
Манзил: Бешарик шаҳри О.Водий кучаси	Манзил: Бешарик шаҳри О.Водий кучаси 51 -уй
х/р 20208000001000964001	Тел./факс 612 24 51
ИНН -306005408	ш/х 100022860302157011312092001
МФО- 00973	бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 200155309
Тел-93-7371883	ОКОНХ 97600
	Ҳазначилик бўлинмаси номи Бешарик тумани бўйича Ҳазначилиги
	Ҳазна х/в 23204000300100001010
	Банкнинг номи Марказий Тошкент ш МФО 00014
	Ҳазначилик бўлинмаси СТИРи 201122919
Раҳбар _____ А.Ғуфронов (имзо) (Ф.И.Ш)	Раҳбар _____ в.в.б А.Эгаманазаров (Ф.И.Ш)
М.Ў.	_____ ў.

